

## Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг халифалик йиллари



20:24 / 01.08.2019 5437

Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу вафотидан сўнг мусулмонлар Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга байъат қилишди. У зот халифаликни ўта мушкул ишдан бошлаларига тўғри келди. Бу иш аввалги халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга қарши қилинган суиқасдга боғлиқ эди. Бундан ташқари давлатининг ички ва ташқи муаммолари ҳам етарли эди.

Вақт ўтиши билан Ислом жамиятининг чегараси кенгайиб, кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қила бошлади. Мусулмонлар сони кўпайгач, Қуръонни қироат қилишда турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Орада катта фитна чиқиш хавфи туғилди. Бу хавфни биринчи бўлиб Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу англаб етиб, халифани бундан огоҳ қилди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Ҳафсага одам юбориб, «Бизга ўзингдаги

саҳифаларни бериб тур, ундан мусҳафларга нусха кўчириб олайлик, кейин уларни ўзинга қайтариб берамиз», деди. Ҳазрати Усмон котиблардан Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъийд ибн Ос ва Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомларга буюриб, мусҳафларга нусха кўчиртирди. Улар саҳифалардан мусҳафларга нусхалар кўчиришди. Усмон саҳифаларни Ҳафсага қайтариб берди. Кейин ҳар томонга биттадан мусҳаф юборилди. Ундан бошқаларини куйдириб юборишга амр қилинди. Ана шу нусхалардан бири юртимизда сақланмоқда.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифаликлари давомида ўзларидан аввалги халифаларнинг ишларини давом эттириб, мусулмонлар оммаси учун фойдали катта ишларни амалга оширдилар. У киши даврларида одамлар намозга кечикаётгани ҳисога олиниб, олдинроқ хабар бериш учун жума намозининг вақти кириши билан қўшимча азон айтиш жорий қилинди. Бу иш самара берди. Мусулмонлар жума намозига кеч қолмайдиган бўлишди. Бу амал барчага маъқул келди ва жума намозига икки марта азон айтиш ҳамма жойда жорий қилиниб, собит бўлиб қолди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халқнинг камбағал тоифаси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамият ихтиёрида бўладиган қўриқхоналарга кўплаб ер ажратишни йўлга қўйдилар. Шу тариқа ерларга бой-бадавлат кишиларнинг эга чиқиб олишлари тартибга солинди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу даврларигача муаззинларга маош белгиланмаган эди. Ўша пайтдаги ҳаётнинг соддалигидан, муаззинларга ажратилган ишнинг озлигидан бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг даврларига келиб, масжидлар катталашди, жамоатлар ниҳоятда кўпайди. Бинобарин, муаззинларнинг хизмати ҳам кўпайди. Энди муаззинлик қиладиган киши машғулотидан ажралиб чиқиши лозим бўлиб қолди. Шунинг учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу кенг Ислом жамиятининг барча жойларида муаззинларга маош беришни жорий қилдилар. У зот халифаликлари чоғида мусулмонларга катта манфаат келтирган бошқа кўпгина хайрли ишларни амалга оширдилар.

Ислом давлатининг учинчи халифаси Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳаётлари фожиали якун топди, қабиҳ бир фитнанинг қурбони бўлдилар. Аммо у кишининг Ислом йўлидаги буюк ишлари ва фидойиликлари қиёматгача мусулмонлар хотирасида яшаб қолажак!

Аллоҳ таоло учинчи халифа Усмон Зуннурайн розияллоҳу анҳудан рози бўлсин!

Жаъфар Абдулмўмин